Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

1913-yil 1-aprel oyidan chiqa boshlagan

2022-yil 17-dekabr, shanba,
149 (23.714)-son

www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews_uz https://twitter.com/zarnews_uz



КУН ҲИКМАТИ

Топширилган иш ижросини сўраб туришни одат қилинг

## ПРЕЗИДЕНТ АЙТДИ

Энергия таъминотидаги бугунги вазият тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари учун катта сабоқ бўлиши лозим. Соҳа корхоналари тизимли ишлаши керак. Биронта маҳаллада одамлар норози бўлмаслиги зарур.



## Фозил Йўлдош ўғли ёдгорлик музейи очилди

**Булунғур туманида Фозил Йўлдош ўғли таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.**

Вилоят ва туман фаоллари, санъаткорлар, бахши шоирлар, ёш ижодкорлар иштирокидаги тадбирлар туман марказидаги Фозил Йўлдош ўғли хиёбонида бахши ҳайкали пойига гул қўйишдан бошланди.

Шундан сўнг Фозил Йўлдош ўғли ёдгорлик музейи ҳамда хиёбонининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ф.Тошев, вилоят ҳокими ўринбосари Р.Қобилов, фольклоршунос олимлар, ижодкорлар сўзга чиқиб, халқимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, бахшичиликни ривожлантиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади. Ўзбек достончилик мактаби ривожига улкан ҳисса қўшган бахши шоир Фозил Йўлдош ўғли таваллудининг 150 йиллиги юртимизда кенг нишонланаётгани ҳам ана шу эътибор маҳсули эканлиги қайд этилди.

Маросимда улуғ бахшининг авлодлари кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Айтиш жоизки, вилоятимизда бахши шоир таваллудини кенг нишонлаш доирасида Фозил Йўлдош номи билан боғлиқ объектларни қуриш ва таъмирлаш ишлари учун вилоят бюджетидан 4,7 миллиард сўм ажратилган эди. Ушбу маблағ ҳисобидан бахши яшаб ўтган маҳалладаги эски уй-музей ўрнида янги музей қурилиб, атрофи ободонлаштирилди.

– Аввал бу музей ўрнида 1980 йилда уй-музейига мослаштирилган кичикроқ ҳовли-жой бор эди, - дейди музей раҳбари Нодир Раҳимов. – Эски бино бузилиб, ўрнида замонавий иншоот қурилди. Бу ерда турли тадбирлар, маънавий-маърифий кечалар ўтказиш учун барча шароитлар бор. Буларнинг барчаси халқ бахшисининг номини абадийлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

– Тадбирда иштирок этиш учун Сурхондарёдан келдик, - дейди Жовли бахши Норматов. – Ота-боболарим дўмбира чертишган. Шу боис болаликдан бахшичиликка ҳавас билан улғайдим. Бахши мақомига эришишимда Фозил Йўлдош ўғли ижодининг ўрни катта. Тадбирга келган бахшиларнинг аксарияти устоз бахши ижодидан илҳом олишган.

Санъаткорларнинг чиқишлари, оқинлар томонидан ижро этилган термалар тадбирга янада кўтаринкилик бағишлади.

Шу куни бахши шоир номи билан аталувчи маҳалладаги 20-болалар мусиқа ва санъат мактабида республика бахшилар кўрик-танлови ҳам бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг турли ҳудудларидан келган бахшилар ўз маҳоратини кўрсатди.

Тадбирнинг якунловчи қисмида кўрик-танлов ғолиб ва совриндорлари ҳамда Фозил Йўлдош ўғли номини абадийлаштиришга муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фаоллар тақдирланди.

**Асқар БАРОТОВ,**
**Бахтиёр МУСТАНОВ (сурат).**

## 18 та АЁҚШда бензинни қиммат сотиш ҳолати кузатилди

**Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 декабрда қабул қилинган қарори билан 2022 йил 10 декабрдан 2023 йил 1 мартга қадар импорт қилинадиган, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва тадбиркорлик субъектлари томонидан якуний истеъмолчиларга сотиладиган АИ-80 русумли автобензин маҳсулоти учун истисно тариқасида, акциз солиғини "ноль" ставкада қўллаш белгиланди.**

Натижада АИ-80 русумли автобензин маҳсулотининг чакана нархи амалдаги нархларга нисбатан ўртача 8,7 фоизга камайди ва 13 декабрдан "Ўзбекнефтгаз"га қарашли ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида АИ-80 бензини бир литри 5700 сўмдан сотила бошланди.




Аммо оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда айрим шохобчаларда ушбу маркадаги бензинни асоссиз равишда қиммат сотиш ҳолатлари, оғир вазиятдан ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланиб қолишга уринган шахслар борлиги ҳақида хабарлар тарқалди.

Бу каби ҳолатларга ойдинлик киритиш мақсадида кеча Самарқанд шаҳридаги АЁҚШларда бўлиб, АИ-80 русумдаги бензиннинг қанча нархда сотилаётгани билан қизиқдик.

– Тўрт кундан буён АИ-80 бензинни 5700 сўмдан сотяпмиз, талабга қараб, буюртма беряпмиз, – дейди Рудакий кўчасидаги, "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамиятига қарашли шохобча раҳбари Тоҳир Зуҳуров. – Бугун ҳам 24 тонна бензин келтирилди ва ҳозир тарқатишни бошлаймиз.

Шу кўчадаги ҳамда Алишер Навоий шоҳкўчасидаги АЁҚШларда ҳам АИ-80 маркали бензин 5700 сўмдан сотилаётганига гувоҳ бўлдик.

– Мазкур қарор қабул қилиниб, биржада бензин нархи тушганидан кейин ҳам баъзи шохобчаларда АИ-80 бензини эски нархларда сотилаётгани кузатилди, – дейди "Ўзнефтгазинспекция" вилоят бўлими бошлиғи Икром Махсумов. – Лекин бу шохобчалар раҳбарлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилиб, бензин нархини асоссиз ошириш ҳолатларининг олди олинмоқда. Айни пайтда вилоятимизда инспекциямиз, монополияга қарши курашиш, солиқ ва бошқа тегишли органлар ходимларидан иборат саккиз гуруҳ ташкил этилиб, нефть ва газ маҳсулотлари савдоси бўйича мониторинг ва ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Кечаги ўрганишлар давомида вилоят бўйича асосан, тумандаги 18 та АЁҚШда маҳсулотни ушбу қарор чиқишидан олдин олганини рўкач қилиб, АИ-80 маркали бензинни қиммат сотиш ҳолати аниқланди. Шохобча эгалари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилиб, улар огоҳлантирилди ва нарх 5700 сўм этиб белгиланди. Барча шохобчалар масъуллари белгиланган тартибга риоя қилмаса, қатъий жавобгарлик чоралари кўрилиши юзасидан огоҳлантирилди.

И.Махсумовнинг маълум қилишича, бугунги кунда вилоятда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган 284 та АЁҚШ фаолият кўрсатмоқда. Улар биржа савдоларида қатнашиб, маҳсулот харид қилмоқда. Кейинги уч кун давомида биржа савдолари орқали 951 тонна АИ-80 маркази бензин шохобчаларга чиққан.

Бугунги кун ҳолатида вилоятдаги "Мароқанд нефть база" МЧЖда 1685 тонна АИ-80 маркали бензин захираси мавжуд.

**Ғ.ҲАСАНОВ.**



## Уйларни лойиҳа билан иситиб бўлмайди

**Икки йил илгари Самарқанд шаҳридаги кўп қаватли уйларни иситиш тизимларини модернизация қилиш мақсадида Жаҳон банки томонидан 30 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган эди. Бу маблағ ҳисобидан вилоят "Иссиқлик манбаи" давлат унитар корхонасига қарашли марказий қозонхонани таъмирлаш, 54 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Суғдиёна, Сартепа массивлари, шунингдек, кичик туман (микрорайон)да жойлашган 384 та кўп қаватли уй ҳамда 22 та ижтимоий соҳа объекти иситиш тизими ҳамда иссиқ сув тармоқларини реконструкция қилиш режалаштирилган бўлиб, бу ишлар 2024 йил охирига қадар якунланиши кўзда тутилган.**

- Бир вақтлар марказий қозонхона орқали 400 га яқин кўп қаватли уй иситилган бўлса, ҳозирда шаҳарнинг О.Маҳмудов, Лоҳутий кўчаларида, шунингдек, Самарқанд тери тозалаш заводи ҳудудларидаги 4 та кичик қозонхона орқали бор-йўғи 22 та кўп квартирали уйлар иситилмоқда, - дейди "Иссиқлик манбаи" ДУК участка бошлиғи Ражаб Ҳасанов. – Айни вақтда марказий қозонхонага қарашли қозонлар ва иссиқлик тармоқлари тўлиқ таъмирланмоқда. Унга уланган 318 та кўп қаватли уйда иссиқлик узатиш пунктлари қурилиб, қувурлар алмаштирилмоқда.

Шаҳарнинг Саховат маҳалласида 11 та кўп қаватли уй ва 12 хусусий ҳовли мазкур тармоққа уланган бўлишига қарамасдан, аҳоли уйлари иситилмайди.

- Қатор йиллардан буён уйимизда иситиш тармоқлари ишламайди, - дейди маҳалла раиси Муҳаммадали Маматқулов. – Шунинг учун кўпчилик иссиқлик тармоқларини олиб ташлаган. Аҳоли табиий газда ишловчи ёки замонавий электр печларидан фойдаланади. Ҳовлидагилар эса ўтин ва кўмир билан уй иситяпти.

Маҳалла маркази ёнида жойлашган 36-кўп қаватли уйнинг 12 квартирасида I-гуруҳ ногиронлари Т.Мухторов ва У.Наймановалар яшашади. Уларнинг хонадони биринчи қаватда бўлгани ва ертўладаги намлик туфайли хоналари захлаб, деворлари моғорлаб кетган.

- Уйимиз 15-20 йилдан буён иситилмайди, - дейди У.Найманова. – Ҳар йили совуқ кунлар тушиши билан азоб бошланади. Турли йўллар билан хоналарни иситишга ҳаракат қиламиз. Ҳозирда турмуш ўртоғимнинг саломатлиги яхши эмас. Иккаламизнинг ҳам кўзимиз кўрмайди, уйдан ташқарига чиқолмаймиз.

Кўп қаватли уйларни кўздан кечирар эканмиз, уйлардан бирининг ертўласида бир гуруҳ ишчиларнинг меҳнат қилаётганини кўрдик. Улар бизга барча уйларнинг ертўлаларида иссиқлик тарқатиш пунктлари (ИТП) учун махсус жой тайёрлашаётганини таъкидлашди.

- Мазкур маҳалладаги барча уйларнинг ертўлаларига иссиқлик узатиш пунктлари (ИТП) ўрнатишимиз керак, - дейди "Элит грант" МЧЖ раҳбари Баҳодир Умирзоқов. – Ишчиларимиз билан 15 та кўп қаватли уйнинг тармоқларини таъмирлашни ўз зиммамизга олганмиз. Кунига 5 тадан ИТП ўрнатяпмиз. Лекин хонадон эгалари деворни тешиб, тармоқ тортишимизга қаршилик қилишмоқда. Улар марказий иссиқлик тизимлари ўрнатишни истамаяпти.

Бундай ҳолатни Баҳор, Шодлик, Тожмаҳал, Марҳабо маҳаллаларидаги 63 та кўп квартирали уйларда ҳам кўриш мумкин. Улардаги иситиш тизимлари йўқ бўлиб кетганига ҳам қарийб 20 йилдан ошган.

- Марказий қозонхона ўз фаолиятини тўхтатгач, кўпчиликда бундан кейин иситиш тизими ишламас экан, деган фикр пайдо бўлди, - дейди Марҳабо маҳалласида яшовчи Қаҳҳор Собиров. – Деярли барча уйидаги чўян батареяларини кесиб, сотиб юборди. Хоналарни ошхонадаги табиий газ плиталари орқали исита бошладик, газ бўлмай қолса, электр иситкичлардан фойдаландик. Ҳатто "буржуйка" ўрнатиб, ўтин ёққан кунларимиз бўлди. Бир ҳафтадан буён хонтахтани "танча"га айлантириб, атрофида ўтириб, жон сақлаяпмиз.

(Давоми 3-саҳифада) » »

## ИШТИХОНДА ЯНГИЛИКЛАР КЎП



**Иштихон тумани аграр ҳудуд саналади. Аммо бугун нафақат қишлоқ хўжалиги, балки жамият ҳаётидаги қайси соҳа бўлмасин, анъанавий иш юритиш тараққиётга йўл очмайди. Қайсики, замонавий технологияларни татбиқ қилиш, фаолиятни янгича асосда ташкил этиш орқалигина даромадни, шу билан бирга, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мумкин.**
**Шу маънода Иштихон туманида ҳам кейинги вақтда қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда туман ҳокими Фазлиддин Рўзиев қуйидагиларни гапириб берди:**

**ХИНА ҚИШЛОҒИ ЯНГИЛИКЛАР МАРКАЗИ**

Қишлоқда 257 та хонадон мавжуд бўлиб, шундан 120-135 та хонадон ёввойи заъфарон етиштирса, 40-60 та хонадон кооперация усулида Калифорния қизил чувалчанги парваришлайди. Шунингдек, асаларичилик, иссиқхонада маҳсулот етиштириш билан шуғулланадиганлар ҳам кўпчилик. Бундан ташқари, шакар лавлаги даромадли бўлганлиги сабабли томорқа ерларида ушбу маҳсулотни етиштирадиган хонадонлар сони ортиб бормоқда.

2018 йилда Президент ташрифидан кейин Хина қишлоғида амалга оширилган ишлар, бўлаётган ижобий ўзгаришлар ўзи бир ҳикоя бўлгулик. Шу боис Хина атроф қишлоқлар учун янгилик маркази бўлиб қолмасдан, ҳатто қўшни туманлардан қизиқиш билдириб, Нарпай, Қўшработ туманларидан деҳқонлар келиб, тажриба ўрганмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) » »

**Самарқанд давлат чет тиллар институтининг давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилган талабалар тураржойи фойдаланишга топширилди. Тадбиркор ўз маблағи ҳисобидан 32 миллиард сўмга қурган беш қаватли бино 500 ўринга мўлжалланган.**

## Тадбиркор ётоқхона қурди

- Бугунги кунда институтимизда 12 мингдан ортиқ талаба таҳсил оляпти, - дейди Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори Илҳомжон Тўхтасинов. – Улардан 5 мингдан ортиғи турли вилоятлардан ва чекка туманлардан келиб ўқийди. Талабаларни тураржой билан таъминлаш мақсадида 2021 йил 9 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Республика олий таълим муассасаларида талабаларни тураржой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, ижарада яшовчи талабаларнинг ижара пуллари субсидия асосида тўлаб бериляпти. Институтимиз ҳудудида 30 сотих ер майдонида тадбиркор томонидан талабалар тураржойи қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.



- Булунғур туманиданман, - дейди инглиз филологияси ва таржимашунослик факультети талабаси Гулмира Алимова. – Шу пайтгача уйдан қатнардим, йўл узоқ бўлгани учун баъзида дарсларга кечикардим. Янги талабалар тураржойида ҳамма шарт-шароит яратилган. Хоналар иссиқ, музлаткич, телевизор, интернет тармоғи каби кундалик эҳтиёж учун зарур шароитлар мавжуд.

Давлат-хусусий шериклик асосида қурилган талабалар тураржойининг 20 фоизигача тадбиркор фойдаланади. Масалан, бинонинг биринчи ва иккинчи қаватларида ошхона, сартарошхона, кир ювиш хизмати, тренажер зали, савдо дўконлари ҳамда инновацион марказ жойлашади.

Талабалар тураржойида бир ўрин учун ойига 500 минг сўмдан ижара пули тўланади. Бу пулнинг 200 минг сўми талаба томонидан, 300 минг сўми институт томонидан тўлаб берилади.

# ИШТИХОНДА ЯНГИЛИКЛАР КЎП






(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

### ЗАЪФАРОН ВА ҚУЛУПНАЙ ДАРОМАД БЕРЯПТИМИ?

Катта қангли, Минглар ва Равот маҳаллаларида асосан қулупнай етиштирилади.

Катта қангли маҳалласининг Диёр қишлоғида қулупнай етиштириш орқали аҳоли фаровонлиги кундан-кунга яхшиланиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Дастлаб 14-18 хонадон шу иш шуғулланган бўлса, ҳозирда хонадонлар 110 тадан ошди. Бу йилги деҳқончилик мавсумида 5 сотих ер майдонида қулупнай парваришлаб, ўртача 7,5-12 миллион сўм даромад олган оилалар кўп бўлди.

Хумо маҳалласининг Чайжавул, Аломат, Тўғай қишлоқларининг аҳолиси ёввойи заъфарон парваришлашга қизиқиш билдирмоқда. Сувни кам талаб қилиши, қайта ишлаш осонлиги, ўрнига яна бошқа экин экиб, даромад олиш мумкинлиги халқимизга манзур бўляпти. Бу йил ажратилган 0,15 гектар ер майдонларида ёввойи заъфарон экиб, парваришлаб, ўртача 75-80 килограмм ҳосил олинди. Бир килограмм заъфарон 280-340 минг сўмдан сотилганини инобатга олсак, ер эгаси ўртача 25-27 миллион сўм даромад олди.

Умуман, жорий йилда 8 та маҳалладаги хонадонлар "Бир маҳалла – бир маҳсулот тамойили" асосида маҳсулот етиштиришга ихтисослаштирилди. Томорқадан уч марта ҳосил олиш йўлга қўйилди.

### УЗУМЧИЛИК – ИСТИҚБОЛЛИ СОҲА

Айни пайтда 461 та узумчилик фермер хўжаликларида 4800 гектар, аҳоли томорқа хўжаликларида 2933 гектар токзорлар мавжуд. Жорий йил 119,2 минг тонна узум етиштирилиб, 80 минг тоннаси қайта ишланиб, ички ва ташқи бозорга йўналтирилди. 21 минг тоннага яқин сара майиз етиштирилди.

Ушбу йўналишда "Болқи томорқа хизматлари" МЧЖ негизида кластер ташкил этилиб, корхона томонидан 1 миллиард сўмлик ўз ва 600 миллион сўмлик кредит маблағлари ҳисобига мева-сабзавотларни қуритиш цехи ускуналари харид қилинди. Бугунги кунда бу ерда суткасига 10 тонна узумни қуритиш ва майиз ҳолига келтириш қувватига эга, Корея давлатида ишлаб чиқарилган 618 минг долларлик линия фаолияти йўлга қўйилди.

Жорий йилда 5 та экспортёрларимиз томонидан 12 та узумчилик агрофирмаларида замонавий майиз қуритиш цехларида тайёрланган маҳсулотлар Осиё ҳамда Европа мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Бундан ташқари, йиллик қуввати 1000 тоннани ташкил қилувчи "Сафарбой Тиркашов" кўп тармоқли фермер хўжалиги томонидан 520 тоннага яқин бирламчи вино маҳсулоти тайёрланиб, Россия Федерациясига экспорт қилиниши режалаштирилган. Фермер хўжалиги ҳудудида агротуризмни йўлга қўйиш чоралари кўрилмоқда.

### СОҲАГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Туманимизнинг истиқболли корхоналаридан бири - "Asian Raising Logistic Centre" МЧЖ томонидан умумий қиймати 2 миллион долларлик замонавий кўринишдаги 1000 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш қувватига эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш лойиҳаси ишга туширилиб, 140 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш мақсадида "Deal and act trading" ва "Long jiang" масъулияти чекланган жамиятлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш ускуналари олиб келинди. Корхоналар томонидан бугунги кунга қадар 700 минг долларлик экспорт амалга оширилди.



"Habibulloh mahsuloti" масъулияти чекланган жамияти томонидан "Ургут" ЭИЗ Иштихон филиалида қиймати 4 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган.

Жорий қилинаётган янгича ёндашувлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Тасаввур ҳосил бўлиши учун биргина мисол келтирсам. Тумандаги 1-сектор ҳудудида жойлашган Кўктепа маҳалласидаги ижтимоий дафтарларда турадиган 12 кишига 22 сотихдан ер ажратилиб, "бир контур-бир маҳсулот" тамойили асосида доривор ўсимлик - бамия етиштирилди.

Даромад-чи, деган савол бўлмаслиги учун айрим рақамларни айтиб ўтиш мумкин. Ажратилган 22 сотих ер майдонига экиш харажатлари 122 минг сўм, 6 килограмм бамия уруғи 180 минг сўмни ташкил қилди. 2 маротаба культиватор билан ишлов беришга 100 минг сўм, 15 килограмм минерал ўғит учун 24 минг сўм, жами харажатлар 426 минг сўмни ташкил этмоқда.

Ҳосилдорлик ўртача 90 центнер бўлиб, бир фуқаро 2 тоннадан кўпроқ маҳсулот олди. Маҳсулот 15-17 минг сўм атрофида сотилмоқда. Бу битта хонадон мисолида 30-33 миллион сўм атрофида даромад дегани.

### ТУРИЗМ ҲАМ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Яшириб нима қилдик, шу пайтгача туманда бу соҳанинг истиқболига умид ва ишонч бўлмаган. Аммо бу эскича қараш билан ишлаш бугунги кунга мутлақо тўғри келмайди.

Шу боис ҳудуднинг туристик инфратузилмасини ривожлантириш, сайёҳларни жойлаштиришга хизмат қилувчи объектлар, дам олиш жойларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, туташ жойларда туристларни жалб қиладиган шарт-шароитлар мужассам бўлган қўшимча инфратузилма яратиш режалари ишлаб чиқилди.

Унга кўра, Гулобод маҳалласи Қорахони қишлоғида экотуризмни, Дўстлик маҳалласи Кулчара-2 қишлоғида этнотуризмни ривожлантириш, шу жумладан, ушбу ҳудудларга олиб борувчи автомобиль йўллари ҳолатини яхшилаш, пиёдалар ўтиш йўлакларини ташкил этиш ҳамда алоқа ва интернет сифатини яхшилаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Туманда "Полвон ота", "Абулҳасан Али ар-Растуғфоний", "Сўфи Оллоёр", "Шайх Бурхониддин Соғаржий" зиёратгоҳлари мавжуд. Мазкур зиёратгоҳларни обод қилиш, ҳудудда зарур инфратузилмани шакллантириб, зиёрат туризмини ҳам ривожлантириш чоралари кўриляпти.

Умуман, туманнинг тарихий ва маданий объектлари, меҳмонхона, мотель ва бошқа жойлаштириш воситалари, ресторан, кафе, ёқилғи қуйиш шохобчалари ва бошқа диққатга сазовор жойлари тўлиқ акс эттирилган туризм харитаси ишлаб чиқилмоқда.



Туманда эко, агро, этнографик ҳамда гастрономик туризм йўналишлари белгилаб олинди. Соҳани ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳалар ва чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида туристлар қатнови 2023 йилда 10 мингтага етказилади.



### САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ЙЎҚМИ?

Вилоятнинг бошқа ҳудудларига нисбатан Иштихон туманида мармар ва оҳактош кўп учрайди. Бу табиий бойликлардан фойдаланиш бўйича хорижлик инвесторлар билан бир қатор лойиҳалар йўлга қўйилмоқда.

Мисол учун, Хитой Халқ Республикаси фуқароси He Ming томонидан туманимизнинг Зарбанд маҳалласи ҳудудидаги табиий захираларимиздан унумли фойдаланиш мақсадида "Dong Ston Progres" МЧЖ корхонаси ташкил этилди. Қарийб 2 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан тоғ тошини қазиб олиш учун ускуналар олиб келинди ва 20 та янги иш ўрни яратилди.

"Samarqand Ston Tred Korporation" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси машина-трактор паркининг бўш турган биносини онлайн аукцион орқали сотиб олиб, қайта реконструкция ишларини амалга оширди. Корхона томонидан 3 миллион долларлик тоғ тошини қайта ишлаш ускунаси олиб келиниши натижасида 15 киши ишли бўлди.

Ҳозирги кунга қадар корхона томонидан 70 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт амалга оширилди. Корхона йил якунига қадар 4 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштириши кутилмоқда.

"Maroqand sifat tekstil" масъулияти чекланган жамияти томонидан пахта хом-ашёсини чуқур қайта ишлаш ва ип-калава сифатини оширишни ташкил этиш инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши натижасида 560 та иш ўрин яратилди. Корхона ўтган йили 11,6 миллион долларлик ип-калава маҳсулотларини Бангладеш, Польша, Туркия ва Хитой давлатларига экспорт қилган.

Маҳаллий саноатни ривожлантириш ва импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида "Mitan yog'du elektrik" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини бошлаган. Ҳозирги кунда 6 турдаги ёритиш чироқлари ва юк автомобиллари учун 6 турдаги иситиш печлари ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, корхона томонидан автобус ва юк автомобиллари ўриндиқларига қопламалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Корхона 2021 йилда 3,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, якунига етаётган йилда бу кўрсаткични 5 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилган.

### ҚУРИЛИШ - АСОСИЙ ДРАЙВЕРЛАРДАН БИРИ

Туманда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи 169 та корхона фаолият юритиб, 2021 йилда 19,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари, бугунги кунга қадар қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишида 3 та умумий қиймати 28,6 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилди. Натижада 27 та янги иш ўрни яратилди.

Туманда қурилиш материаллари - 4,1 миллион метр куб табиий пардозбоп тошлар, 5,8 миллион метр куб ғишт хомашёси захиралари мавжуд. Ушбу захиралардан унумли фойдаланиш мақсадида "Feruzbek granit" масъулияти чекланган жамияти томонидан 3,6 миллиард сўмлик тоғ тошини қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилди.

Бундан ташқари, йил якунига қадар хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда масъулияти чекланган жамияти "Samarkand stone trade corporation" қўшма корхонаси томонидан 6,4 миллион долларлик тоғ тошини қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилиши чоралари кўрилмоқда.

### БИРЛАМЧИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Туманда 256966 нафар аҳолига 13 та амбулатория-поликлиника муассасалари хизмат кўрсатмоқда.

Жумладан, 8 та оилавий шифокорлик пункти, 4 та оилавий поликлиникалари, 1 та кўп тармоқли марказий поликлиника мавжуд.

Бирламчи тизимда аҳолига бепул тарқатиладиган дорилар рўйхати 103 тага оширилди ҳамда лаборатория текширувлари 4 турдан 8 турга кўпайди. Барча даволаш-профилактика муассасаларида шифокор кўрик хоналари ташкил этилиб, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Кўп тармоқли марказий поликлиникада 20 та, 4 та оилавий поликлиникада 10 тадан, 8 та оилавий шифокорлик пунктида 5 тадан ўрин яратилиб, кундузги стационарлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, 15 та маҳаллада контейнер тиббий пунктлар ўрнатилди. Ушбу тиббиёт пунктларида икки ўринли кундузги стационар ташкил этилиб, биринчи ёрдам дорилари билан таъминланди. Аҳолининг бирламчи тиббиётга мурожаат масофаси 15-20 километрдан 3 километргача яқинлаштирилди.

Президентимиз эътибори билан Иштихонда ҳам қатор замонавий тиббий хизматлар йўлга қўйилди.

Мисол учун, туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари маркази, гемодиализ бўлими очилди.

Ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги бор беморларга гемодиализ хизматини кўрсатиш учун диализ аппаратлари ва унга мос равишда бошқа сарфлов воситалари харид қилиниб, тумандаги гемодиализ муолажасига муҳтож беморлар тиббий хизмат билан бепул қамраб олинди.

**Ё.МАРҚАЕВ**
**ёзиб олди.**



# Адл ила олам юзин обод қил

**Ҳазрати инсон, адлия катта маслаҳатчиси, I даражали меҳнат фахрийси Абдусалом Облоқуловнинг табаррук 80 йиллиги муносабати билан мақола ёзишни ният қилганимда кўнглимдан илк ўтгани у зотнинг исмлари маъноси нима экан, деган савол бўлди.**

Буюк Аллоҳнинг бир-биридан гўзал тўқсон тўққизта исмидан бири Салом эканлиги ёдимга келди. Дарҳақиқат, салом - нуқсонлардан саломат, шунингдек, тинчлик-хотиржамлик ва роҳат берувчи зот маъносини англатади.

Яратганнинг қудратини кўрингки, бир инсонни дунёга келтириш билан ота-оналарнинг қалбига фарзандга муносиб исм қўйиш туйғусини солибди – Абдус-салом, яъни Парвардигорнинг қули, итоатгўй бандаси. Шунинг баробарида яратиғига зукко ақл ва теран тафаккур, иқтидор ва меҳнатсеварликни ато этибди.

Орадан саксон йил ўтиб, умрнинг бир бекатида қилинган сарҳисоб кўрсатаётган натижалар Аллоҳнинг ана шу берган неъматлари ҳосиласи эмасмикан?... Биз айнан ана шундай деб билдик ва ҳавас қилдик.

Яна бошқа саволларимга жавоб излаб, солиҳ фарзандлару муносиб шогирдлар тарбиялаб элга қўшган бу ажойиб инсон ҳақида битилган "Адолатга бахшида умр" асарини варақлайман. Болалигини кўча чангитиб, ўйинқароқлик билан ўтказиш қаёқда-ю, давра кўрган, дастурхон тузган раис отанинг ибрати ва китоблар ҳикматидан, мактабдаги мураббийлари берган илмдан баҳраманд бўлиб вояга етиш қаёқда!

Кўп йиллик педагогик тажрибамдан шуни биламанки, инсоннинг характери одатда унинг ҳаётда ўз йўлини белгилаб олишига ҳам ёрдам беради. Ёш Абдусаломнинг ҳуқуқшунос бўлиш нияти ҳам унинг Аллоҳ берган ирода ва қатъият натижаси бўлган, деб фикр қилдим. Чунки бу соҳа ходимларидан айнан ана шу бирламчи хислатларнинг бўлиши талаб этилади.

Тошкент давлат университети, ҳозирги Миллий университетимизда шаклланган юриспруденция мактаби ёш ҳуқуқшуносларнинг, жумладан, Абдусалом Облоқуловнинг камолотида жуда катта дорилфунун вазифасини ўтаган эди.

Тўғрисини айтиш керак, ҳуқуқ-тартибот тизимида прокуратура органларида ишлаш нуфузли вазифа ҳисобланади ва бу соҳада ишлаш ҳамма юристларга ҳам насиб қилавермайди. Ёш мутахассиснинг ўз меҳнат фаолиятини айнан шу соҳада бошлаганига аввало, юриспруденция илмини пухта эгаллаганлиги сабаб бўлган. Мана қарангки, 1969 йилда меҳнат фаолиятини прокуратура тизимида иш ўрганувчиликдан бошлаган ҳуқуқшунос то нафақага чиққунга қадар фақат шу йўналишда ишлади, ишлаганда ҳам бенуқсон, безавол ишлади.

Аммо сиртдан қараганда ҳашаматли кўринадиган прокурорлар ҳаёти ҳам жамиятдаги бошқа инсонларники каби кечади.



Уларнинг турмуш тарзида ҳам сизу бизники каби қувончу изтироблар бор. Атрофимизни ўраб турган муҳит уларнинг қонун тизгинини қўлда маҳкам ушлаб туришига ҳамма вақт ҳам имкон беравермайди.

Мустақилликдан аввалги тизимда СССР деган улкан мамлакатни коммунистлар бошқарганлигини, коммунистик мафкура ҳукмрон куч бўлганлигини кексаларимиз яхши билишади. Жойлардаги айрим биринчи раҳбарлар ҳам ўзларини ана шундай кайфиятда, ҳатто қонундан ҳам устун тутган. Абдусалом Облоқулов туманларнинг бирида прокурор лавозимида ишлаётганда амалдорлардан бири содир этган автоҳалокат оқибатида икки нафар ёш бола вафот этганлиги ва туман биринчи раҳбарининг содир этилган жиноятни ёпишга аралашгани билан боғлиқ зиддиятлар оқибатида собиқ Иттифоқ Бош прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси хизмат текшируви олиб борган ва масала Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари даражасида якун топган.

Ҳар бир ишда ҳикмат бор деганларидай, ушбу можаро сабаб бўлиб, Абдусалом Облоқулов Шароф Рашидовнинг суҳбатида бўлганлигини ҳамон яхшилик билан эслайди. Бу зотнинг одамхунлиги, хушмуомалалиги, кадрларга бўлган ғамхўрлигини ҳеч қачон ёдидан чиқармайди.

Тақдирнинг ҳукмини қарангки, Наманган вилоятидаги Янгиқўрғон тумани прокурори бўлган пайти – 1978 йилда яна Шароф Рашидов билан учрашди. Туман прокуратурасининг янги қурилган биноси ёнида бўлиб ўтган суҳбатда юрт эгаси уни таниди, илиқ сўзлар айтди, "Самарқандликлар ўзи доимо изланишдан ва ижод қилишдан чарчамайдиган халқ бўлади", деди ва Абдусалом Облоқуловга раҳмат айтди.

1984 йилнинг май ойидан "пахта иши",

**▶▶ Тўйхат ўрнида**

"ўзбеклар иши" деган машъум қатағон даври, қишлоқ хўжалиги ходимларининг оммавий қамалишлари бошланди.

Юзлаб хўжаликлар қаторида Пахтачи тумани "Коммунизм" жамоа хўжалиги ҳам тафтиш қилиниб, унинг раҳбари - донгдор пахтакор, Меҳнат Қаҳрамони Шамси Назаров устидан ҳам жиноий иш қўзғатилди.

"Ушбу жиноят иши бўйича хўжалик бошлиғи ва бригадирларнинг сўроқларини ўрганиб чиқдим, туман прокурори билан суҳбат ўтказдим, – деб эслайди Абдусалом Облоқулов. –Бу ерда жиноят йўқ, деган хулосага келдим ва иш бўйича тегишли маълумотнома тайёрладим. Шу пайтларда тергов бошлиқларини Гайданов (Республика прокурорининг тергов ишлари бўйича ўринбосари) ҳар ўн кунда республикага чақириб, шахсан суҳбат ўтказар, ҳар бир жиноят иши бўйича ахборот талаб қилар эди. Шунда Гайдановга Ш.Назаровнинг виждонли киши экани, хўжалигида пахта бўйича жиноят йўқлигини, қўзғатилган жиноят ишини бекор қилиш лозимлигини айтдим. У аччиқланиб, мени Бутурлин (Ўзбекистон Республикаси прокурори) ҳузурига олиб борди. Мен ўз фикримни унга ҳам айтдим. Бутурлин мега ишонмасдан, "Раис қариндошингми?", деб сўради ва Гайдановга ишни ўрганиб чиқишни, нотўғри ахборот берган бўлса, мени ишдан ҳайдаш кераклигини айтди". Аммо адолат қарор топиб, жиноят иши бекор қилинди ва Шамси Назаров қутқулардан омон қолди.

Ҳазрат Алишер Навоий айтадилар:

*Адл ила олам юзин обод қил,*
*Хулқ ила олам элини шод қил!*

Абдусалом Облоқулов шахси ҳақида ўйлар эканман, буюк шоирнинг ана шу таълимоти кўз ўнгимдан ўтади.

Ҳар сафар суҳбат қурганимизда қаршимда донишманд ва заковатли инсонни кўраман. Шошилмасдан, хотиржам бир ҳолатда гапирадилар. Қувваи ҳофизалари шу қадар кучлики, ҳаётида бўлиб ўтган воқеаларни худди кеча бўлиб ўтгандек, одамларни эса номма-ном айтиб берадилар. У кишидан устозлари ва ҳамкасблари ҳақида, уларнинг инсонпарварлик ва шогирдпарварлик хусусиятлари ҳақида мароқли ҳикоялар эшитганман. Талабалик йилларида севишиб турмуш қуришган Фарида ая, фарзандлари, неваралар тўғрисидаги гапларидан дуогўй бир отанинг ҳаётдан ниҳоятда мамнун эканлигини ҳис қилганман.

Биз оқсоқол билан тез-тез учрашиб, дийдорлашиб турамиз. Чунки бир кўчада яшаймиз, Боғи Темур маҳалласининг фаолларимиз. Маҳалладаги кўплаб муаммоларнинг қонуний ечимини топиш учун раҳбарият шу кишига мурожаат қилади.

Мен бу азиз инсондаги ҳаётдан мамнунлик ва хотиржамлик хислатларига ниҳоятда ҳавас қилганман. Шу боис Аллоҳдан Абдусалом отанинг бундан кейинги умри ҳам мазмунли бўлишини ва соғлик-саломатликда кечиришларини сўрайман.

**Суюн КАРИМОВ,**
**I даражали меҳнат фахрийси,**
**профессор.**

# Уйларни лойиҳа билан иситиб бўлмайди

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

"Иссиқлик манбаи" ДУКга қарашли Лоҳутий кўчасидаги қозонхона 2 та кўп қаватли уйда жойлашган 66 та хонадонга хизмат кўрсатади. Иккита қозондан биттаси ишлаб турибди. Уйлар бир маромда иситиляпти. Бироқ шу уйларда яшовчи аҳолининг фикри бошқача бўлди.

- Кунлар илиса, газ кўпаяди шекилли, уйимиз ҳам исиб қолади, - дейди 63 "А" уйда яшовчи Валентина Мосина. – Агар совуқ бошланса борми, батареялар совиб кетади. Яна қўшимча печкаларни улашимизга тўғри келади. "Дом"имиздаги 4 йўлакда жойлашган квартиралар умуман исимайди.

- Совуқ кунлари бир ҳафта давомида ҳудудимизда газ босими пасайиб кетди, -дейди қозонхона оператори Эркин Қўлдошев. – Бор газга битта қозонни ёқиб, уйларни иситишга ҳаракат қилдик. Уйдагилар эса иккинчи қозонни ҳам ёқишимизни талаб қилишмоқда. Бунинг иложи йўқ. Чунки иккинчи катта қозон кучли газ босимида ишлайди.

2020 йилда Мустақиллик маҳалласининг Алишер Навоий кўчасидаги 15, 16 "А", Курчатов кўчасида 1 "А", 22, Мироншоҳ кўчасидаги 1 "А" уйларни иситиш учун замонавий қозонхона ўрнатилган бўлса-да, ҳалигача ишлатилмаган. Тармоқ уйларнинг ертўласигача тортилиб, асосий тизимга уланган. Лекин уйлар эгалари ундан фойданмаяпти.

- Вагон - қозонхона олиб келиб ўрнатишганида уйларимиз исиб, кўрган қийинчиликларимиз ортда қолади, деб хурсанд бўлган эдик, -дейди уйбоши, нафақахўр Тоҳир Асадов. – Бироқ ундай бўлмади. Ишчилар келиб, ҳар бир уйнинг ертўласига ИТП ўрнатишди. Аммо уйларда яшовчиларнинг фикри бир жойдан чиқмаяпти. Кимдир тортамиз деса, яна кимдир керак эмас, чиройли уйларимизни бузиб, тешиб ташлашади дейишмоқда. Имконияти бўлганлар хонадонларини замонавий газ ва электр печкалар ёрдамида иситяпти. Бошқалар эса газ плиталардан фойдаланмоқда.

Режалаштирилган ишларни амалга ошириш чўзилиб кетаётганга ўхшайди. Хўш, бу лойиҳалар якунланишига яна икки йил бор экан, аҳоли совуқ кунларда ўз хонадонларини қандай қилиб иситмоқда? Жаҳон банки пулини тўлаб қўйган бўлса, лойиҳаларни муддатидан олдин амалга оширишнинг иложи йўқмикин? Соҳа мутасаддилари қаҳратон совуқда одамлар кўп қаватли уйларда қандай жон сақлаб келаётгани билан қизиқармикан?

Бу каби жавоби йўқ саволлар жуда кўп. Одамлар кунлар исиб кетса, яхши бўлиб кетади, деган илинж билан яшаётганлиги бор гап. Лекин қиш энди бошланди, баҳоргача яна уч ой бор...

**Дилмурод ТЎХТАЕВ.**

# Uch avlod uchrashuvlari



**Yosh avlodni har tomonlama komil insonlar qilib tarbiyalash, oilalar tinchligi va totuvligini ta'minlashda nuroniy otaxon va onaxonlarning alohida o'rni bor. Kattaqo'rg'on shahrida uch avlod vakillari ishtirokida o'tkazilgan uchrashuvda xalqimizga xos ushbu azaliy qadriyatlar yana bir bor e'tirof etildi.**

Kattaqo'rg'on shahar hokimi Gavhar Alimova yurtimizda tarix, bugun va kelajakni o'zida mujassam etgan uch avlod uchrashuvlarini o'tkazish an'anaga aylanib borayotganini ta'kidladi.

Tadbirda ishtirok etgan nuroniylar keksa avlod vakillariga berilayotgan e'tibor va g'amxo'rlik ularga kuch va shijoat bag'ishlashini, o'zlarining hayotiy tajribalarini ishga solib, yosh avlodni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda munosib hissa qo'shishlarini bildirdilar.

Uchrashuvda yosh avlod vakillarining yutuqlari e'tirof etildi. Bu yoshlar bugun xalqaro miqyosdagi sport musobaqalari va tanlovlarda faol ishtirok etib, viloyatimiz sha'nini munosib himoya qilib kelmoqda.

Bir piyola choy ustida bo'lib o'tgan tadbirga shahar drama teatri va madaniyat bo'limining san'atkorlari tomonidan ijro etilgan kuy va qo'shiqlar o'zgacha shukuh bag'ishladi. Nuroniylar va yoshlar esdalik sovg'alari va faxriy yorliqlar bilan taqdirlandi.

Uch avlod uchrashuvi tadbirlari viloyatimizning barcha tuman va shaharlarida o'tkazilmoqda.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

**МИННАТДОРМИЗ!**

*Кейинги йилларда мамлакатимизда тиббиёт соҳаси тубдан ислоҳ қилинди. Айниқса, биз, нуронийлар шифохоналарда имтиёзли хизматлардан фойдаланишимиз учун шароитлар яратилди. Шифокорлар ҳам одамлар соғлигини тиклашда ўз меҳнатларини аямаяпти.*

*Хусусан, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Лутфилла Маҳкамов, шифокор Жавоҳир Насимов, Анжела Николаевна, шунингдек, "Икром доктор" МЧЖ хусусий клиникаси раҳбари Икром Жуманов, Зариф Ёдгоров, Акбар Шодиевлар, хусусий стоматология ходимлари Зафар Қобилов, Ином Қобилов ҳамда тадбиркорлар Ғаффор Маттиев ва Дилшод Ҳамидов каби инсонлар кексаларнинг саломатлигини тиклаш йўлида беминнат хизмат қиляпти. Ургут тумани пенсионерлари номидан уларга миннатдорлик билдираман.*

**Равшан СОЛИЕВ,**
**Ўзбекистон пенсионерлари уюшмаси туман кенгаши раиси ўринбосари.**

## ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!

**Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали қуйидаги кафедралар бўйича бўш лавозимларга танлов эълон қилади:**

**КОМПЬЮТЕР ИНЖИНИРИНГ ФАКУЛЬТЕТИ БЎЙИЧА:**

**Ахборот технологиялари кафедрасига:**
- профессор – 1 ўрин;
- катта ўқитувчи – 1 ўрин.

**Компьютер тизимлари кафедрасига:**
- катта ўқитувчи – 1 ўрин.

**Табиий фанлар кафедрасига:**
- кафедра мудири – 1 ўрин.

**Гуманитар ва ижтимоий фанлар кафедрасига:**
- кафедра мудири – 1 ўрин.

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ ФАКУЛЬТЕТИ БЎЙИЧА:**

**Телекоммуникация инжиниринги кафедрасига:**
катта ўқитувчи – 1 ўрин.

**Ахборот хавфсизлиги кафедрасига:**
катта ўқитувчи – 1 ўрин.

**Ахборот таълим технологиялари кафедрасига:**
катта ўқитувчи – 1 ўрин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**
- *филиал директори номига ариза;*
- *ходимлар ҳисоби бўйича шахсий варақа;*
- *олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломларининг нусхалари;*
- *илмий унвони ҳақидаги аттестати нусхаси;*
- *илмий ва услубий ишларининг рўйхати.*

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ибн Сино кўчаси, 2-уй.**
**ФИЛИАЛ МАЪМУРИЯТИ.**

**Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Самарқанд филиали қуйидаги кафедраларга ўқитувчи лавозимига**

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- *жисмоний тарбия, спорт назарияси ва услубияти кафедрасига;*
- *спорт психологияси, ижтимоий-табиий фанлар кафедрасига.*

**Танловда иштирок этишни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**
- *филиал директори номига ариза;*
- *яшаш жойи кўрсатилган паспорт нусхаси;*
- *кадрларни қайд қилиш шахсий варақаси;*
- *олий маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси.*

Қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, уларга тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини, малака ошириш ҳақидаги сертификатларни тақдим этишлари керак.

**ЭСЛАТМА:** *Танловда иштирок этиш учун аризалар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.*

**Манзил: Самарқанд шаҳри Чўпон ота кўчаси, 13-"А" уй.**

**Телефонлар: +99866-236-21-28, +99893-357-74-95.**

**e-mail:** *minsport_markaz_sf@umail.uz*

**ФИЛИАЛ МАЪМУРИЯТИ.**

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА...**

Окдарё туманидаги "AFRASIAB JEANS TEXTILE" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 304960694) ўз устав фонди микдорини 79 196 923 773,01 (етмиш тўққиз миллиард бир юз тўқсон олти миллион тўққиз юз йигирма уч минг етти юз етмиш уч сўм 01 тийин) сўмдан 10 000 000 (ўн миллион) сўмга камайтирмокда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида кабул килинади.

**Манзил; Окдарё тумани "Янгиобод" МФЙ.**

* * *

Ургут туманидаги "URGUT PROFNASTIL" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси (СТИР: 301701352) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини "URGUT PROFNASTIL" хусусий корхонасига ҳамда ўз устав фонди микдорини 904 632 354,46 (тўққиз юз тўрт миллион олти юз ўттиз икки минг уч юз эллик тўрт сўм қирқ олти тийин) сўмдан 619 525 500 (олти юз ўн тўққиз миллион беш юз йигирма беш минг беш юз) сўмга камайтирмокда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Ургут тумани Мерганча массиви "Ургут эркин иқтисодий зонаси" ҳудуди.**

* * *

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норматов Мурод Тўйчиевич нотариал идорасида марҳум Саматов Орзикул Маджитовичга (2022 йил 25 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмокда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норматов Мурод Тўйчиевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи.**

* * *

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Арчабаев Насим Арчабаевичга (2019 йил 15 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмокда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муртазаев Шерзод Собирович нотариал идорасида марҳум Урунов Раҳматга (2007 йил 26 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмокда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муртазаев Шерзод Собирович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Тойлоқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Холмуродов Анвар Холмурод ўғли нотариал идорасида марҳум Кодиров Ахмаджонга (1997 йил 17 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмокда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Холмуродов Анвар Холмурод ўғли нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Тойлоқ тумани Тойлоқ шаҳарчаси, Амир Темур кўчаси 22-"А" уй.**

* * *

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қоракўзов Абдуазиз Муҳитдинович нотариал идорасида марҳум Қунишев Махмасаидга (2020 йил 23 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қоракўзов Абдуазиз Муҳитдинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Ургут тумани Почвон маҳалласи.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Бурханов Саид Нумановичга (2021 йил 1 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасида марҳум Джафаров Клич Бабаш оглига (1998 йил 15 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмокда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Фуқаро Нурманов Жалилмурод Абдуллаевичга қарашли Самарқанд шаҳри Шоҳрух кўчаси, 29-уй-жойнинг кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Фуқаро Файзиев Негматилло Раҳматовичга қарашли Самарқанд шаҳри Фарғона кўчаси, 26-"А" уй-жойнинг кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги "KAWSAR AGRO EKSPORT BIZNES" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306245663) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги "NUR-MUHAMMAD SHINAM FAYZLI QURILISH" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 307042156) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилояти инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси жамоаси бошқарма экспорт салоҳиятини ошириш бўлими бошлиғи **Жамшид БАРОТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

# "Биз уларга футбол ўйнашни ўргатдик,

## энди улардан оилавий қадриятларни ўрганишимиз керак..."

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўша куни ўсмир ёшлар ўртасида футбол бўйича Осиё чемпионати бўлиши керак эди. Дадам эсимни таниганимдан буён бирорта футбол чемпионатларини қолдирган эмаслар, ашаддий мухлис эдилар. Хуллас, ҳаяжон билан, дақиқа санаб, муҳим ўйинни кўришга ҳозирлик кўраётган эдилар. Аям ҳам ўз навбатида бу пайти дадамга нима зарур бўлса, ҳаммасини телевизор қаршисига тайёрлаб, ўзлари кетишга тайёргарлик кўрдилар. Дадам аямнинг гаштаги (пенсияга чиққан ҳамкасабалари билан ойда бир кўришадилар) борлигини эшитиб, бироз ранжидилар.

- Эҳ, муҳим ўйин куни гаштагинг борлиги чатоқ бўлибди-да, - чини билан хафа бўлдилар дадам.

- Тезроқ қайтишга ҳаракат қиламан, - ваъда бердилар аям.

Гап шундаки, дадамнинг мухлислик қилаётган командалари ғалаба қозонишини аям ҳам чин дилдан истар, айниқса, пенсияга чиққанларидан сўнг бу ўйинларни улар биргаликда томоша қилишар эди. Ҳар сафар бундай томошада аям ўша команда ғалабасини сўраб, дуо қилиб ўтирардилар.

Бу сафар ўзбекистонлик ёшларнинг чиқиши эса нафақат бизнинг оилада, балки мамлакатимизнинг барча футбол мухлисларини экран қаршисига чорлаган эди. Хуллас, аям кўнгли хижил бўлиб йўлга чиқди. Ҳали ўйин бошланишига вақт бор эди. Буни қарангки, орадан ярим соат фурсат ўтар-ўтмас, аям уйга қайтиб келдилар. Футбол эндигина бошланган, дадам ҳатто гапиришга ҳам вақтини қизғаниб "Нима бўлди?" дегандай аямга қараб қўйдилар. "Дугоналаримга мазам бўлмаяпти, деб қўя қолдим, ўзбекистонликлар ютиши керак-да, ёнингизда ўтирай", деб жавоб бердилар.

Ўйинни томоша қилишдан ҳам кўра кўпроқ дуо қилиб ўтирдилар, кейин бизга айтиб беришларича, "Ихлос" сурасини ўқиб ўтирганлар. Ўша ўйиннинг натижаси ҳаммамизга маълум, ўзбекистонлик ёшлар Осиё чемпиони даражасига эришгандилар.

Дадам бу ютуқдан шунчалик хурсанд бўлдиларки, яна бир карра аямнинг дуолари ижобат бўлди, деб ҳаммамизга бу ҳақда фахрланиб гапирдилар.

Айтиш мумкинки, ўша куни мамлакатимизнинг минглаб оилаларида хурсандчилик овозлари янграган бўлиши табиий. Юз минглаб оилаларда ота-оналар телевизор қаршисида ўзбек ёшларига ғалаба тилаб, дуо қилиб ўтирган бўлсалар ажабмас. Ёдингизда бўлса, ғалаба маълум бўлгач, тезкор оммавий ахборот воситалари ходимлари чемпион болаларнинг уйларидан репортаж тайёрлашганди. Оила аъзоларининг экран қаршисидаги кузатувлари, ота-оналарининг ҳаяжонларини, оналарнинг қўллари титраб, дуога қўл очганларини кўриб, кўзимиз ёшланган.

Ростдан ҳам биз учун ота-оналаримизнинг дуоси, розилигидан кўра улуғроқ бахт йўқ. Оиладаги асосий қадриятларимиз, ҳатто кези келганда, орзу-истакларимиз ҳам шу тушунча билан уйғунлашиб кетган. Ҳали болалигимиздаёқ онамизнинг оғирини енгил қилишни, отамизга машина олиб бериш ёки бошқа қулайликлар яратиш ҳақида ўйлаймиз.

Дераза ювишдан толиққанимни кўрган ўғлим болалигида "Сизга ўзим дераза ювиб берадиган робот ясаб бераман", дегани ҳеч ёдимдан чиқмайди. Умуман, ҳар бир оилада бундай мисоллар кўп. Кимдир онаси учун юксак чўққиларни забт этишни истайди, отасининг орзуларини рўёбга чиқариш учун катта ишларни бошлаган инсонлар борлиги ҳақида ҳам эшитиб қоламиз.

Ёдингизда бўлса, мамлакатимиз фахри бўлган футболчи Одил Аҳмедов болалиги билан боғлиқ хотираларида бир воқеани ёдга олади. "Футболга қизиқишимни сезган отам мени шаҳримиздаги футбол клубига олиб бордилар. Ўшанда мураббийлардан бири отамга қараб "Фарзандингизнинг футбол ўйинига қизиқиши борлиги яхшику, лекин сизнинг пулингиз борми?" деб сўради очиқдан очиқ. "Футбол бу пул дегани, пулингиз бўлмаса, болангиздан яхши футболчи чиқиши гумон", дея фикрига яна алоҳида урғу берди. Ўша пайти отамнинг боши эгилгани ҳанузгача кўз олдимдан кетмайди. Албатта, энг зўр футболчи бўламан, дея айнан шу пайти аҳд қилганим ҳам ёдимда".

Кейинги воқеаларни эслатиш шартмас. Одил Аҳмедов нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам тан олинган футболчи сифатида эътироф этилди.

Ота-онанинг ҳурмати, унинг розилиги биз учун ҳаётимиздаги энг юксак марра эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Ундан ўзгачасини тасаввур қилишимиз қийин ёки ота-онага нисбатан номуносиб муносабат ҳар доим ҳам кўнглимизда норозилик уйғотади. Беш бегонанинг ҳам қиблагоҳларига нисбатан ноўрин хатти-ҳаракатидан ранжиймиз, танбеҳ берамиз.

Яқиндагина барчамиз гувоҳи бўлдик, Қатарда ўтказилаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатида Марокаш терма жамоасининг ҳужумчиси Ашраф Ҳакимийнинг ҳар галги муваффақиятидан сўнг стадионда туриб, ўғлига мухлислик қилаётган онасининг ёнига бориб, уни бағрига босиши ёки шу жамоанинг яна бир футболчисининг ғалабадан сўнг майдонда онаси билан рақсга тушиши билан боғлиқ суратлар ижтимоий тармоқларни портлатиб юборди, миллионлаб инсонларнинг олқишига сазовор бўлди.



Немис шарҳловчиси Қатарда ўтаётган жаҳон чемпионатида марокашлик ўйинчилар ўйиндан сўнг ўз оналарини қучоқлаб ўпгани, ҳар бир ўйиндан кейин сажда қилишларига эътибор қаратди.

"Биз ғарб жамиятимизда қалин оилавий ришталарни ортиқ кўрмай қўйдик. Оила концепцияси йўқ бўлиб кетмоқда, биз футболдан кейин моделлар ёки дугоналарини ўпаётган футболчиларни кўрамиз, қачонки ота-оналари қариялар уйида бўлишади. Биз марокашликларни футбол ўйнашга ўргатдик, улар биздан ҳам ўзиб кетишди, энди улардан этика ва оилавий қадриятларни ўрганишимиз керак. Шунда қачондир бизнинг ўйинчиларимиз ҳам ота-онасининг пешонасидан ўпаётганига гувоҳ бўламиз", деди шарҳловчи бу воқеаларга ўз муносабатини билдирар экан.

Ота-онага эҳтиром – бизнинг ўлмас қадриятларимиздан бири эканлиги кишига таскин беради. Бугунги алғов-далғов, ҳамма ўз манфаатини ўйлайдиган, ёмон хабардан хурсанд бўлиб, яхшилик ҳақида эшитгиси келмайдиган, ака укасини, опа синглисини судга бераётган бир пайтда одамлар орасида ота-онага ҳурмат туйғуси устунлик қилаётгани ҳали инсоният тамоман ўзлигини йўқотмаганини англатади, назаримда. Ҳар ҳолда шунга ишонгимиз келади.

**Гулруҳ МЎМИНОВА.**

---

**Тўйлар ҳақида ўйлар**

# Ақлга суяниш керакми, ақидага?

- Ўғлим Давронбек келса, тўйни бошлаймиз, - деди Тошмурод мақтанганнамо. - Ресторанни гаплашиб қўйдик. Бизга келгуси ойнинг бешинчисида навбат келар экан. Унгача бошқа маросимларни ўтказиб қўямиз. Эртага "ис", якшанба куни "супра очти", чоршанба "маслаҳат"...

Ўйлаб қолдим – қачонгача топган-тутганимизни тўй деб беҳуда маросимларга совурамиз? Ҳаммасини бир қилиб, юз-юз эллик меҳмон чақириб, ихчамгина ўтказиб юборсак бўлмайдими?

Тошмуродни яхши биламан, ўзи ҳам, хотини ҳам ногирон. Нафақа билан рўзғор тебратади. Ўғли Давронбек уч йилдан буён Россияда, икки йил олдин келиб, ўғилчасини хатна қилдириб кетганди. Эсимда, ўша куни ҳам юзга яқин аёл-эркакка кун бўйи зиёфат берганди. Гапнинг қисқаси, тўй ихчамгина, расм-русумларга амал қилинган ҳолда бўлиб ўтганди, аслида. Энди ресторанда базми жамшидга нима ҳожат?

Тошмурод фикримни эшитиб, маъқуллади-да, кейин дардини ёрди.

– Тўғри айтдингиз, ака, мен ҳам кам харажат, ихчам тўй тарафдориман, аммо аёллар кўнмаяпти-да! Ҳар хил тўйолди маросимларга битта катта тўйнинг харажати кетди. Ресторанда ўтказиладиган тўйга беш юз кишига таклифнома тарқатдик. Яна ҳали қолганлари чиқиб турибди...

Тўй ўтди. Тўймисан тўй бўлди. Икки соатда ўтди кетди. Ароқхўрларнинг "бити тўкилди", "зўр" деб кетишди. Юз грамм кам бўлиб қолганлар "шу ҳам тўйми?" деб қайтди. Давронбекнинг Новосибирскда аллақайси олис қишлоқдаги молхонада мол боқиб топган уч йиллик пули икки соатда кўкка совурилди.

Тўй-ижтимоий ҳодиса. Миллий қадриятларимиздан бири. Халқимиз "Топганинг тўйга буюрсин", деб дуо қилади. Фарзанд кўрсак, топганимизни эл олдига дастурхон ёзиб, тўкамиз. Лекин бунинг чек, чегараси бўлиш керак-да! Меъёр, камтарлик, деган гаплар бор. Шуҳратпарастлик, манманликка берилиб, ўйлаб топилган ҳар хил удумларга эргашиб кетаверсак, аввало, ўзимиз зарар кўрамиз. Бунинг ўрнига фарзандларимизга китоб, компьютер олиб берсак, яхши ўқиб, етук инсон бўлиши ҳақида қайғурсак, маъқул эмасми?

**Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.**

# Одобнинг ўғли

Одоб сўзи аслида арабча "адаб" сўзидан олинган бўлиб, хулқ-ахлоқ маъносини англатади. Қадимда кўчманчи араблар бу сўзни зиёфатга таклиф маъносида ишлатишган экан. Кейинчалик, XII асрдан бошлаб яхши ахлоқ, тарбия кўрган хушмуомалали кишиларга нисбатан айтиладиган бўлган ва худди шу маънода бизнинг тилимизга ҳам кириб келган. Бундан ташқари, чиройли ва гўзал сўзлайдиган, сўз санъатини пухта эгаллаган кишиларга нисбатан ишлатилган. Чиройли ва гўзал сўз маъно ва мазмунга янги кийимдек ярашиб туради. Инсонга эса гўзаллик ва ҳурмат келтиради. Бекорга сўз инсоннинг безаги дейишмаган. Буни қуйидаги ривоятдан ҳам билиб олиш мумкин.

Бир донишманд кўчадан ўтаётиб, икки ёш боланинг суҳбатлашиб турганига гувоҳ бўлади. Улардан бири одоб билан чиройли сўзлаётган эди. Донишманд уларга яқинроқ боради ва бироз тўхтаб, қулоқ солади. Сўнгра ўша боланинг елкасидан ушлаб:

- Болам, кимнинг ўғли бўласиз? Яхши сўзлар экансиз! - дейди.

Бола аввал салом бериб, донишмандга таъзим билан:

- Одобнинг ўғли бўламан! - дейди.

Унинг жавобидан таъсирланган донишманд болани мақтаб, меҳр билан унинг бошини силайди.

- Ўғлим, қандай гўзал, чиройли отангиз бор экан-а! Отангизга раҳмат, - деб болага миннатдорчилик билдиради. Бола ҳам одоб билан донишманднинг сўзларига қулоқ солиб туради.

Қани эди ҳамма болалар одобнинг ўғли бўлса...

**Чори ҚЎНҒИРОВ,**
**меҳнат фахрийси,**
**халқ таълими аълочиси.**

---

# Бозор – бу ҳаёт

**Мутолаадан сўнг**

**"Шарқ юлдузи"нинг бир неча йиллик тахламларини кўздан кечира туриб, 2014 йил 5-сонидаги ҳикоя диққатимни тортди. Олти йил аввал эълон қилинган бу ҳикояни ўша даврда синчиклаб ўқиганимни эсладим. Асар ёқиб қолиб, матннинг айрим жойларига белгилар қўйган эканман.**

"Шамол ҳикмати" деб, сарлавҳа қўйилган бу новелла бош қаҳрамони ноёб "маҳсулот" - қадрни топиш умидида гавжум бозорга йўл олади.

Ўнлаб сотувчиларга учрашиб, излаганини топа олмайди. Тўсатдан кучли шамол кўтарилади. Омонатгина ёзилиб, омонатгина қоқиб қўйилган "Бозор" сўзидан бош ҳарфни учириб юборади. "Бозор" сўзи энди "озор" бўлиб қолади. Харидор мадори қуриб, излашда давом этар экан, шамол кучайгандан кучайиб, иккинчи ҳарфни ҳам юлиб юборади ва маскан номи "Озор" "Орга" айланади. Кўп фурсат ўтмасдан "О" ҳарфи ҳам қулайди, ёлғиз "р" қолади.

Шундай қилиб, бозорга қадр излаб борган аёл озор чекади, зор бўлади, ор (номус) нинг топталиши мумкинлигини кўради. "Р" ҳарфига эса ўша даврда журналга муҳаррир бўлган Улуғбек Ҳамдам шундай изоҳ беради: "Ўзбек тилида бу ҳарф ўз ҳолича ҳеч қандай лексик маъно англатмайди. Лекин инсон "р"ни узлуксиз талаффуз қилса, оғзидан итнинг ириллашини эсга соладиган овоз чиқади. Боя айтдик-ку, бозорга нотўғри муносабатда бўлинса, одамнинг инсоний тарафи ожизланиб, ҳайвонлиги кучаяди, деб".

Ҳикоя кучли рамзлар асосига қурилганлиги учун ҳам ўқувчида зўр таассурот қолдиради ва хотирада узоқ сақланади.

Қисқа, пишиқ ёзилган бу ҳикояни такрор ўқидим. Бирдан бозор ҳақида шеър ёзиш истаги пайдо бўлди. Буни қарангки, шеър туғила бошлаб, кўз очай деб турган эканми, тўлғона-тўлғона эрталабга қораламаси пайдо бўлди.

*Отанг бозор, онанг бозор деган қадим донолар,*
*Сулҳу савдо бошланади оқармасдан ҳали тонг.*
*Ким "ғолиб"у, кимдир "мағлуб" ўртададур даъволар,*
*Яна биров минг афсусда, бўлиб ҳоли роса танг.*

*Сутга пиёз тўғрагандай гўшт оласан, илож йўқ,*
*Қассоб аканг пичоғини тили билан қайрайди,*
*"Эт суяксиз бўлмайди", дер кўзларини қилиб лўқ,*
*Ўндан тўққизини уриб, бирига ҳам қарайди.*

*Чайқовчилар мақтар сени Ҳотам тойни кўргандай,*
*Даллол деган "ҳожатбарор" каслар келар бозорга.*

*Ҳансирайди атрофингда овга чиққан мергандай,*
*Ҳушёр бўлгин, "рози" қилиб, ташлар сени озорга.*

*Сотноқ чоғи бозор сари нарх белгила, ширин бўл,*
*Олар бўлсанг, инсофли бўл, пастга урма молини.*
*Унутмагин, ҳалолликдан баракали бўлар қўл,*
*Сотувчи ҳам деҳқон бобонг, тўғри тушун ҳолини.*

*"Отанг бозор, онанг бозор", собит бўлсин инсоф, ор,*
*Адолатни қўллаганда омад бўлар сенга ёр,*
*Тўлиб, тошиб келади деб кутар уйда фарзандлар,*
*Ошхонада дастурхонин ёзиб қўйишиб бедор.*

**Ўта МУҲАММАД.**

---

## "SAMARQANDDAN ESGAN SABOLAR"

**Yangi kitob**



Inson qalbining turfa qiyofalari, turmush chorrahalaridagi rang-barang burilishlar nazmda jonlanadi. Shoira Zuhra Begim qalamiga mansub she'rlarni o'qir ekansiz, bunga yana bir bor amin bo'lasiz.

Yaqinda uning yana bir asari chop etildi. Shoiraning sara she'rlari, muxammas hamda dostonlarini o'zida jamlagan kitob to'liq lotin alifbosida bosilgan. Uni varaqlar ekansiz, birgina she'rlarning o'zi olti faslga, aniqrog'i, mavzularga bo'linganini ko'rasiz. Muhabbat iztirobi, tabiat ilhomlari, umr falsafasi...

E'tiborlisi, Zuhra Begim Vatan ishqi mavzusiga alohida mehr bergan. Xususan, uning "Yuragimda aylanar Vatan" nomli she'ri shunday qaynoq satrlar bilan boshlanadi:

*Men bu yurtning farzandi emas,*
*Ko'ksim tutib Haqqa bormasam.*
*Shoir demang, iftixor bilan*
*Vatanimni tilga olmasam...*

Asar she'riyat ixlosmandlariga manzur bo'lishiga shubha yo'q.

**Marjona PARDAYEVA.**

## ОҚ ТОНГ ОТМОҚДА

*Қоронғу зулматни нурафшон этган*
*Ой-юлдузлар нури хира тортмоқда.*
*Эзгу орзуларни опичлаб яна,*
*Она замин узра оқ тонг отмоқда.*

*Дарахт шохларини тортқилар аста,*
*Субҳидамда эсган кузак сабоси.*
*Заррин япроқчалар қутлашар тонгни*
*Билиб турса ҳамки, умрин адоси.*

*Тоғ ортида қуёш оролар ўзин,*
*Янги гўзал кунни тортиқ этмоққа.*
*Шайланар табиат шарафлаб кунни,*
*Тонг навоси учун созин чертмоққа.*

*Чоғланиб тирик жон яшаш завқи-ла,*
*Музаффар қуёшни кутиб олмоқда.*
*Қутлар янги тонгни сайраб қушчалар,*
*Уйғоқлик туйғусин дилга солмоқда.*

*Ҳар тонгнинг келиши шукуҳи ўзга,*
*Ҳар тонгнинг янграган куйи ўзгача.*
*Япроқлар шивири ҳар субҳидамда*
*Кўнгилларни хушлар сўнгги кузгача.*



## ЯПРОҚ

*Қаҳратондан олиб озуқа,*
*Илк кўкламда оламни кўрди.*
*Қулоч ёзди саратонгача,*
*Кейин ҳаёт завқини сурди.*

*Офтоб тафтин йўқотар экан,*
*Навқиронлик тарк этди аста.*
*Салқин елнинг ҳазин куйида*
*Фарёд чекиб рақс этди хаста.*

*Замин узра ётар оҳ уриб,*
*Ноласидан чеҳрасида қон.*
*Оллоҳимнинг берган неъмати,*
*Шу япроқдан сабоқ ол, инсон.*

**Сарвара ЭШОНХОНОВА,**
**Қашқадарё вилояти**
**Касби тумани.**

---

**Ўқинг, қизиқ!**

# ЭНГ..., ЭНГ..., ЭНГ

- Дунёда энг кўп тилда гаплашадиган мамлакат бу Папуа-Янги Гвинеядир. Бу ерда мамлакат аҳолиси 820 дан ортиқ тилда мулоқотда бўлишади.
- Ер юзидаги энг қурғоқчил мамлакат – Ливия. Мамлакат майдонининг 99 фоизини саҳролар ташкил этади.
- Жазоир сайёрамизда зилзилалар энг кам содир бўладиган давлат ҳисобланади.
- АҚШнинг Небраска штатида инсонлардан кўра қорамоллар кўпроқ.
- Озарбайжон нефтни замонавий ускуналар ёрдамида қазиб чиқаришни бошлаган дастлабки мамлакат саналади.
- Сурия давлатининг пойтахти бўлган Дамашқ шаҳри Ер юзидаги энг қадимий пойтахтдир.
- Дунёдаги газеталарнинг деярли ярми АҚШ, Канада ва Хитойда чоп этилади.
- Италия – дунёдаги болалар уйи бўлмаган ягона давлатдир.
- Норвегияда электр энергиясининг 99 фоизи табиатни ифлослантирмайдиган ҳамда қайта тикланадиган энергия ёрдамида ишлаб чиқарилади.
- Энг баланд сув қалқиши – Фанди қўлтиғида кузатилади, 18 метр.
- Энг узун ғор – Флинт-Мамонт ғори, 500 километр.
- Энг катта илон Анаконда – 10-12 метр, оғирлиги 230 килограмм.
- Энг баланд ҳаракатдаги вулқон – Люляйляка, 6723 метр.
- Энг сернам материк – Жанубий Америка.
- Энг иссиқ материк – Африка.
- Энг совуқ материк – Антарктида.
- Чучук сув захираси энг кўп материк – Антарктида, 80 фоиз.
- Ўсимлик ва ҳайвонот олами энг камбағал материк – Антарктида.
- Энг қуруқ материк — Австралия.
- Энг иссиқ ҳарорат Триполи шаҳри яқинида кузатилади, +58°С (Африкада).
- Энг узун бўғоз – Мозамбик бўғози.

## ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

**18 ДЕКАБРЬ**

**Олим МУРТАЗОЕВ** – 1952 йилда Жомбой туманида туғилган. Иқтисод фанлари доктори, профессор.

**20 ДЕКАБРЬ**

**Усмон САНАҚУЛОВ** – (1940-2020) Ғиждувон туманида туғилган. Филология фанлари доктори

**Манаше АБРАМОВ** – (1926-1998) Самарқанд шаҳрида туғилган. Тарих фанлари доктори.

MATBUOT UYI
Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

*Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 411 nusxada chop etildi. Buyurtma 831. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2*

***Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.***

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61
MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G'.HASANOV.
Navbatchi: D.TO'XTAYEV.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X
9 772010 667009

Sotuvda narxi kelishilgan holda